**Аутсорсинг шартлари асосида овкатланишини ташкил этиш учун**
**ШАРТНОМА** 9347

Нурафшон шахар 2022 йил « 3 » март

Кейинги ўринларда Буюртмачи деб аталувчи Нурафшон шахар тиббиёт бирлашмаси тномидан Низом асосида фаолият юритувчи бош шифокор М.М.Пелтабаева бир томондан

ва кейинги ўринларда Аутсорсер деб аталувчи AZ-IS Service МЧЖ номидан Устав (ишончнома) асосида фаолият юритувчи директори И.Холиков иккинчи томондан, кейинчалик Томонлар деб аталади, ушбу Шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар.

**I. Шартнома предмети**

1.1. Аутсорсер Буюртмачининг топшириғи бўйича мазкур Шартноманинг 1.2-бандида кайд этилган хизматларни кўрсатиш, Буюртмачи эса — ушбу хизматлар учун пул тўлаш мажбуриятини олади.
1.2. Аутсорсер мазкур Шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатдан бошлаб у тугагунига кадар хар куни шифохонани озик-овкат паёкларининг белгиланган меъёрлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг норматив-хукукий хужжатлари билан белгиланган санитария коидалари, нормалари ва гигиена нормативларига риоя этган холда Буюртмачи билан келишилган таомномага мувофик беш махал иссик овкат(нонушта, тушлик, полдник, кечки овкат) билан таъминлаш мажбуриятини (кейинги ўринларда Хизматлар деб аталади) ўз зиммасига олади.
1.3. Хизмат кўрсатиш муддати:
2022 йил « 3 » мартдан 2022 йил «31» декабргача.
1.4. Томонлар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва Аутсорсер томонидан амалда кўрсатилган Хизматлар учун белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳисоб-фактурани имзолаганидан ҳамда Буюртмачи томонидан Аутсорсернинг мазкур Шартномада кўрсатилган банк ҳисобракамига пул маблағлари ўтказилгандан сўнг Хизматлар кўрсатилган деб ҳисобланади.

**II. Томонларнинг ҳуқуклари ва мажбуриятлари**

2.1. Аутсорсер қуйидагиларга мажбур:
2.1.1. Таомни ва тайёр махсулотни сифатли тайёрлаш бўйича санитария коидалари, нормалари ва гигиена нормативларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси норматив-хукукий ҳужжатларининг таом тайёрлаш ва овкатланишни ташкил этишга тааллукли кисмларидаги талабларга тўлик мос келадиган Хизматлар кўрсатиш.
2.1.2. Овкатланувчиларнинг овкатланишини ташкил этишда тегишли сифат сертификатлари билан тасдикланган озик-овкат махсулотларидан фойдаланиш.
2.1.3. Ўзининг омборида сакланаётган озик-овкат захираларини янгилаб туриш.
2.1.4. Аутсорсер томонидан сифатли ва янги махсулотлар харид килиш.
2.1.5. Хизматларни мазкур Шартноманинг 1.3-бандида кўрсатилган муддатда ва тўлик ҳажмда кўрсатиш.
2.1.6. Хизматлар кўрсатиш жараёнида Аутсорсер мазкур Шартнома шартларига амал килмасдан, овкат сифатининг ёмонлашувига олиб келган барча камчиликларни Буюртмачининг талаби бўйича бир кун давомида бепул бартараф этиш.
2.1.7. Таомни тайёрлаш жараёнига факат белгиланган тартибда тиббий текширувдан (кўрикдан) ўтган ходимларга рухсат этиш.
2.1.8. Ходимлар зиммасига Буюртмачининг ҳудудида одоб-ахлок коидалари, шунингдек, ички кун тартибига риоя килиш мажбуриятини юклаш.
2.1.9. Хизматларни бевосита кўрсатиш.
2.1.10. Хизматлар нархини оширмаган ҳолда шахсий маблағлари ҳисобидан:
соликлар тўлаш;
белгиланган тартибда у билан меҳнат шартномаси тузган ходимлар меҳнатига ҳак тўлаш;
озик-овкат маҳсулотларини харид килиш;
озик-овкат махсулотларини савдо шохобчаларидан хизмат кўрсатиш жойигача етказиш;
совутувчи компрессорлар ва бошка жиҳозларни соз ҳолатда саклаш, таъмирлаш, кайта тўлдириш;
ижарага олинган бино, хона, мебель, инвентарь ва бошкаларни зарур ҳолатда саклаш ва жорий таъмирлаш.
2.1.11. Томонлар имзолайдиган тегишли кабул килиш-топшириш далолатномаси ва алоҳида ижара шартномасини расмийлаштирган ҳолда Буюртмачидан ишлаб чикариш хоналари, жиҳозлар ва ошхона мебелини кабул килиб олиш.
2.1.12. Мазкур Шартномани бекор килиш хакида Буюртмачини бир ой олдин ёзма равишда огоҳлантириш, ушбу муддат тугагунига кадар эса Буюртмачи овкатланишини узлуксиз ташкил этишни таъминлаш.
2.2. Буюртмачи қуйидагиларга мажбур:
2.2.1. Бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматлар учун амалдаги нархлар бўйича бир ойда камида бир марта Хизматлар ҳакини тўлаш.
2.2.2. Аутсорсерга шахсий таркибнинг овкатланишини ташкил этиш учун ижара шартномаси доирасида «ноль» ставкаси бўйича ошхоналарнинг ишлаб чикариш хоналари, жихозлари ва мебель анжомларини вактинча фойдаланишга бериш.
2.2.3. Томонлар имзолайдиган тегишли кабул килиш-топшириш далолатномаси ва алохида ижара шартномасини расмийлаштирган ҳолда Аутсорсерга ошхоналарнинг ишлаб чикариш хоналари, жиҳозлари ва

мебелини топшириш.
2.2.4. Мазкур Шартномани бекор килиш хакида Аутсорсерни бир ой олдин ёзма равишда огохлантириш.
2.3. Буюртмачи куйидаги ҳуқукларга эга:
2.3.1. Аутсорсернинг фаолиятига аралашмаган холда бажарилаётган ишларнинг юритилиши ва сифатини исталган вактда текшириш.
2.3.2. Буюртмачи Шартномани бажаришни рад этиши тўғрисидаги хабарномани олгунига кадар Аутсорсерга кўрсатилган хизматларнинг кийматини белгиланган тартибда тўлаб, исталган вактда Шартномани бажаришдан бош тортиш.

III. Шартноманинг нархи ва ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби

3.1. Мазкур Шартноманинг нархи 1-иловага мувофик нархи бир беморга 11950 Ўн бир минг тўккиз юз эллик сўм

Жами шартнома бўйича ( 286800000 )сўм Икки юз саксон олти минг саккиз юз минг сўмни ташкил этади.
( сўмма сон ва сўз билан)

3.2. Аутсорсерга олдиндан 30 фоиз микдоридаги тўлов 5 банк куни ичида ўтказилади.
3.3. Аутсорсер томонидан кўрсатилган хизматлар учун ўзаро ҳисоб-китоблар бажарилган ишларнинг йиғма далолатномаси ва расмийлаштирилган ҳисоб-фактура асосида кўрсатилган хизматларнинг амалдаги киймати бўйича 70 фоиз микдорида ҳакикатда кўрсатилган хизматлар суммасидан келиб чикиб ўн кунда камида бир марта амалга оширилади.
3.3.1. Овкатланадиган бир киши учун кўрсатиладиган хизматларнинг амалдаги нархи Аутсорсер етказиб берувчидан харид килган ва тегишли меъёрлар бўйича тасдикланган озик-овкат маҳсулотларининг амалдаги нархи овкатланувчиларнинг сонига кўпайтириш йўли билан Буюртмачи томонидан белгиланади. Ҳосил бўлган якуний сумма 20 фоизгача устама ҳаки микдорига кўпайтирилади (яъни, умумий сумма аутсорсернинг 20 фоизгача устама ҳакига кўпайтирилади).
3.3.2. Овкатланувчиларнинг амалдаги сони ҳакидаги маълумотлар ва овкатланадиган бир кишига кўрсатиладиган хизматларнинг амалдаги нархи асосида Буюртмачи кундалик таомномага (озик-овкат маҳсулотларининг таксимотига) мувофик Аутсорсер билан биргаликда хар ўн кунда тўланиши лозим бўлган суммани кўрсатган холда бажарилган ишларнинг йиғма далолатномасини тузади ва ҳисоб-фактурани расмийлаштиради ҳамда улар Аутсорсер раҳбари ва шифохона бош шифокори томонидан имзоланади.
3.3.3. Буюртмачи томонидан амалда кўрсатилган хизматлар нархи белгиланган тартибда расмийлаштирилган бажарилган ишлар далолатномаси ва ҳисоб-фактура олинган вактдан бошлаб 10 банк куни давомида Шартномада белгиланган суммадан ортик бўлмаган микдорда тўланади.
3.3.4. Мазкур Шартномага 2-иловада кўрсатилган Шартнома прогноз суммасини хисоблаш учун озик-овкат маҳсулотларининг нархлари ўзгарганда ёки бошка асосли ҳолатларда Томонлардан бирининг ташаббуси билан бир ойда бир марта кайта кўриб чикилиши мумкин.

**IV. Томонларнинг мажбуриятлари**

4.1. Аутсорсер Буюртмачи шахсий таркибининг овкатланишини ташкил этиши бўйича Шартнома мажбуриятларини ўз вактида бажармаган ҳолатларда Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбурият бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тўлайди. Бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган хизматлар ойлик кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.
4.2. Пеня (жарима) тўлаш Томонларни зиммасидаги мажбуриятларини бажаришдан ёки бузилишларни бартараф этишдан озод килмайди.
4.3. Мазкур Шартнома шартларининг бажарилмагани ёки тегишли даражада бажарилмагани учун томонлар Ўзбекистон Республикасининг Фукаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳукукий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошка норматив-ҳукукий ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарликка тортиладилар.
4.4. Томонларнинг Мазкур Шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда бўлган фукаролик конунчилиги нормаларига мувофик кўлланилади.

**V. Мунозарали вазиятларни хал этиш тартиби**

5.1. Мазкур Шартномани бажаришда юзага келиши мумкин бўлган низолар ва келишмовчиликлар имкон кадар Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан хал этилади.
5.2. Низолар ва келишмовчиликларни Томонлар ўртасида музокара ўтказиш йўли билан хал этиш мумкин бўлмайдиган ҳолатларда Ўзбекистон Республикаси конунчилигида назарда тутилган келишмовчиликларни суддан олдин бартараф этиш тартиб-таомили амалга оширилгандан сўнг улар Ўзбекистон Республикаси конунчилигида белгиланган тартибда кўриб чикиш учун судга берилади.

**VI. Форс-мажор ҳолатлар**

6.1. Томонлар мажбуриятларнинг кисман ёки тўлик бажарилмаганлиги учун, агар бундай ҳолат енгиб бўлмас куч, яъни табиий офатлар, табиий ва техноген тусдаги фавкулодда ҳолатлар окибати ҳисобланса, жавобгарликдан озод килинади. Бунда мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати мутаносиб равишда ушбу ходисалар рўй берган муддатга оркага сурилади

**VII. Якунловчи коидалар**

7.1. Ушбу Шартномага ҳар кандай ўзгартириш ва кўшимчалар факат улар ёзма шаклда расмийлаштирилиб, Томонларнинг ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сўнг ҳакикий ҳисобланади. Мазкур Шартномага барча иловалар унинг ажралмас кисмини ташкил этади.
7.2. Томонларнинг хеч бири мазкур Шартнома бўйича ўз ҳукук ва мажбуриятларини бошка Томоннинг ёзма шаклдаги розилигисиз бирор-бир учинчи томонга бериб юбориши мумкин эмас.
7.3. Ушбу Шартнома икки нусхада тузилган. Иккала нусха айнан бир хил бўлиб, бир хил юридик кучга эга. Томонларнинг хар бирида мазкур Шартноманинг бир нусхаси бўлади.

## VIII. Мазкур Шартноманинг амал килиш муддати

8.1. Ушбу Шартнома икки томонлама имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал килади.

## IX. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари

| | |
|---|---|
| **«Буюртмачи»** | **«Аутсорсер»** |
| Нурафшон шахар тиббиёт бирлашмаси | МЧЖ AZ-IS SERVICE |
| Нурафшон шахар шифокорлар кўчаси 1 уй | Ўртачирчиқ туман Усмон ота ҚФЙ |
| Шхр 100022860274017073101054001 | Хр 2020 8000 1054 2130 9001 |
| МБ.ХККМ.Б.Б. | Тел 99-362-05-03 |
| МФО 00014 | ИНН 308744033 |
| ИНН 207331449 | МФО 00832 |
| Молия Вазирлиги Ғазначилиги | ОКОНХ 17116 |
| Хр 23402000300100001010 | Миллий банк ТИФ |
| ИНН 201122919 | |
| Нурафшон ШТБ | МЧЖ AZ-IS SERVICE |
| бошлиғи М.М.Пелтабоева | раҳбари И.Холиқов |

Аутсорсинг шартлари асосида хизматларни кўрсатиш бўйича шартномага
ИЛОВА

## ШАРТНОМАНИНГ ПРОГНОЗ СУММАСИ

| Т/р | Ойлар | Ойдаги кунлар сони | Ўлчов бирлиги | Хизмат бирлиги учун нарх (сўм) | Хизмат бирликлари сони | Жами сумма ҚҚС сиз (сўм) | ҚҚС % | Жами сумма ҚҚС билан |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Январь | 31 | порция | - | -- | - | - | - |
| 2. | Февраль | 28/29 | порция | - | - | - | - | - |
| 3. | Март | 31 | порция | 11950 | 24000 | 286800000 | - | 286800000 |
| 4. | Апрель | 30 | порция | - | -- | - | - | - |
| 5. | Май | 31 | порция | - | - | - | - | - |
| 6. | Июнь | 30 | порция | - | -- | - | - | - |
| 7. | Июль | 31 | порция | - | - | - | - | - |
| 8. | Август | 31 | порция | - | -- | - | - | - |
| 9. | Сентябрь | 30 | порция | - | - | - | - | - |
| 10. | Октябрь | 31 | порция | - | -- | - | - | - |
| 11. | Ноябрь | 30 | порция | - | - | - | - | - |
| 12. | Декабрь | 31 | порция | - | -- | - | - | - |
| | Шартноманинг жами суммаси | 365/366 | | 11950 | 24000 | 286800000 | - | 286800000 |

*(Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 11.01.2020 й., 09/20/16/0046-сон)*

Нурафшон ШТБ бошлиғи — М.М.Пелтабоева

МЧЖ AZ-IS SERVICE
рахбари — И.Холиқов

AZ-IS SERVICE

Описание: Иссиқ овқат (нонушта,тушлик,иккинчи тушлик, кечки овқат) билан таъминлаш хизмати 20% ли устамаси билан бирга бир хафталик менюлар жадвали пда варианти жойлаштирилиши керак

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| MCHJ AZ -IS SERVICE | 20 | 286800000 | 19 | Экспертная | | |
| KELAJAK SARVINOZ FBM MCHJ | 20 | 20 балл | 9 | Экспертная | | |
| AZ SERVICE MERIDIAN MCHJ | 20 | 299520000 | 17 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|
| KELAJAK SARVINOZ FBM MCHJ | 300 000 000.00 | 235 200 000.00 | 01.03.2022 01:12:18 | 30.00 |
| AZ SERVICE MERIDIAN MCHJ | 300 000 000.00 | 299 520 000.00 | 01.03.2022 16:52:40 | 23.56 |
| MCHJ AZ -IS SERVICE | 300 000 000.00 | 286 800 000.00 | 28.02.2022 15:06:05 | 24.60 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| KELAJAK SARVINOZ FBM MCHJ | 27.3 | 30 | 57.3 |
| AZ SERVICE MERIDIAN MCHJ | 62.3 | 23.56 | 85.86 |
| MCHJ AZ -IS SERVICE | 66.5 | 24.6 | 91.1 |

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 32591 от 01.03.2022 года на приобретение Иссиқ овқат (нонушта,тушлик,иккинчи тушлик, кечки овқат) билан таъминлаш хизмати 20% ли устамаси билан бирга определила победителем:

MCHJ AZ -IS SERVICE
308744033

и резервный исполнитель: AZ SERVICE MERIDIAN MCHJ (309262324)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Член комиссии** | CHURATAYEVA ALIYA SAXADILLAYEVNA | Согласен | |
| **Член комиссии** | MURATOVA NASIBA TURSUNBAYEVNA | Согласен | |
| **Председатель комиссии** | XASANOV SHUXRAT ISOMIDDINOVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

| | |
|---|---|
| Валюта | UZS |

| Наименование товара (работы, услуги) | Услуги по организации горячего питания |
|---|---|
| Подробное описание | Иссиқ овқат (нонушта,тушлик,иккинчи тушлик, кечки овқат) билан таъминлаш хизмати 20% ли устамаси билан бирга |
| Количество товара | 8 000.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 12 500.00 |
| Стартовая сумма | 100 000 000.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Аутсорсинг талаблари(Обязательное)

Тип: Текстовое значение

Описание: Ишчи ходимлар руйхати, банкда картотекада турмаслиги тугрисида маьлумот, инсофсизлар рейстирида йуклиги тугрисида маьлумот

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| MCHJ AZ -IS SERVICE | 30 | 286800000 | 28 | Экспертная | | |
| KELAJAK SARVINOZ FBM MCHJ | 30 | 30 балл | 10 | Экспертная | | |
| AZ SERVICE MERIDIAN MCHJ | 30 | 299520000 | 27 | Экспертная | | |

Критерий №2 Аутсорсинг талаблари(Обязательное)

Тип: Текстовое значение

Описание: Танловда иштирок этувчилар бугунги кунда фолият олиб борилаётганлиги тўғрисида маълумотномаси ва ДСИдан қарздорлиги йуқлиги туғрисида малумотнома такдим этилиши талаб этилади, бир хафталик таомнома калькуляцияси ва тижорат таклифини тақдим этиши шарт. Тошкент вил Нурафшон ШТБ маъурияти

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| MCHJ AZ -IS SERVICE | 30 | 286800000 | 29 | Экспертная | | |
| KELAJAK SARVINOZ FBM MCHJ | 30 | 30 балл | 12 | Экспертная | | |
| AZ SERVICE MERIDIAN MCHJ | 30 | 299520000 | 27 | Экспертная | | |

Критерий №3 Аутсорсинг талаблари(Обязательное

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 32591 на приобретение Иссиқ овқат (нонушта,тушлик,иккинчи тушлик, кечки овқат) билан таъминлаш хизмати 20% ли устамаси билан бирга**

Способ проведения электронный

Дата 01.03.2022

Время рассмотрения 01.03.2022 18:14

Конкурсная комиссия Нурафшон шахар тиббиет бирлашмаси, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | XASANOV SHUXRAT ISOMIDDINOVICH | Бош хисобчи | nurafshonshtb |
| **Секретарь комиссии** | NARIMOVA NIGORA XASANBAYEVNA | parxez xamshirasi | nurafshonshtb |
| **Член комиссии** | MURATOVA NASIBA TURSUNBAYEVNA | bosh xamshira | nurafshonshtb |
| **Член комиссии** | ABDULLAYEVA DILFUZA ABDUMANNAPOVNA | Касаба уюшмаси раиси | Нурафшон ш штб |
| **Член комиссии** | ABDURAXMANOVA MAVJUDA SABIRJANOVNA | oshpaz | nurafshonshtb |
| **Член комиссии** | CHURATAYEVA ALIYA SAXADILLAYEVNA | bo'lim boshlig'i | nurafshonshtb |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 01.03.2022 года № лота 32591.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 70.00 / Весовой коэф. ценовой части: 30.00)

Мин. балл: 15

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуги по организации горячего питания** |
|---|---|
| Подробное описание | Иссиқ овқат (нонушта,тушлик,иккинчи тушлик, кечки овқат) билан таъминлаш хизмати 20% ли устамаси билан бирга30 |
| Количество товара | 8 000.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 12 500.00 |
| Стартовая сумма | 100 000 000.00 |
| Валюта | UZS |

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуги по организации горячего питания** |
|---|---|
| Подробное описание | Иссиқ овқат (нонушта,тушлик,иккинчи тушлик, кечки овқат) билан таъминлаш хизмати 20% ли устамаси билан бирга |
| Количество товара | 8 000.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 12 500.00 |
| Стартовая сумма | 100 000 000.00 |

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: XM4827344524

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA**

№ WB30361266

1. **Loyihaning turi**: SHartnoma.

2. **Loyihaning nomi:** Shartnoma tuzish to'g'risida.

3. **Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot**: Nurafshon shahar Tibbiyot birlashmasi tomonidan 1-sonli shartnoma tuzish to'g'risidagi loyiha 2022-yil 3-mart kuni ishlab chiqilgan va dasturga kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Markaz bosh yuriskonsulti** **Sh.Abduvaliev**

ТАСДИҚЛАЙМАН

Нурафшон шахар

Тиббиёт бирлашмаси бошлиғи

М.М.Пелтабаева

2022 йил ________________

Тошкент вилояти Нурафшон шахар тиббиёт бирлашмасида даволанаётган беморлар иссиқ овқат билан (Аутсорсинг хизмати) таъминлаш

# ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Тошкент 2022

МУНДАРИЖА:


1. Боб Умумий маълумотлар
2. Боб Асаосий тушунча ва атамалар
3. Боб танловда қатнашиш учун таклифларни расмийлаштириш бўйича талаблар
4. Боб техник қисм
5. Боб Нархлар қисми
6. Боб Шартнома шакли
7. Боб Шакллар намунаси

№ 1-шакл Ариза/Кафолат хати

№ 2-шакл Танлов қатнашчиси тўғрисида умумий маълумотлар

№ 3-шакл Техник спецификация

№ 4-шакл Нархлар бўйича таклифлар

1-илова. Хизмат кўрсатиш бўйича танлов қатнашчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва бахолаш тартиби ва меъзонлари.

# 1-боб УМУМИЙ МАЪЛУМОТЛАР

1.1. Танловнинг тадбиқ этилиш доираси

Ушбу танлов хужжатлари Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуни асосида ишлаб чиқилган хамда Тошкент вилояти Нурафшон шахрида жойлашган Нурафшон шахар тиббиёт бирлашмасида беморларга иссиқ овқат (Аутсорсинг хизмати) таъминловчиларни танлаб олиш бўйича Танловни ўтказиш ва унда ижрочиларнинг қатнашиш тартибини белгилайди.

Буюртмачи: Нурафшон шахар тиббиёт бирлашмаси (келгусида беморларга иссиқ овқат бўйича “Буюртмачи”)

Манзил: Тошкент вилояти Нурафшон шахар шифокорлар кўчаси 22 уй телефон 99899/939-07-17 факс:

1.2. Танловнинг номланиши Танлов

1.3. Танлов валютаси: Ўзбекистон Республикаси валютаси-сўм

1.4. Танлов шартлари: Хизмат кўрсатиш бўйича ўтказилган танлов ғолиби билан тузилган

Шартнома бахосини 30% миқдоридаги маблағ шартнома имзоланган сўнг 10 банк иш куни мобайнида олдиндан тўлаб берилади, шартнома бахосининг қолган 70% миқдоридаги маблағ хизмат кўрсатиш бўйича барча ишлар якунланиб, хисоб фактуралар ва бажарилган ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини имзолангандан сўнг 20 банк иш куни мобайнида тўлаб берилади.

1.5. Хизмат кўрсатиш шартлари: хизмат кўрсатиш учун зарур барча жихозлар буюмлар ва бошқа товар моддий бойликларини Буюртмачи худудига етказиш, ташиб келтириш билан боғлиқ бошқа баржа хужжатлар давлат тилида ёки истисно тариқасида ўзбек тилида ёзилган бўлиши лозим.

1.6. Танловда қатнашиш учун таклифлар бериш тили: танлов Қатнашчиси томонидан ишлаб чиқилган ва буюртмачи манзилига тақдим этилган танлов таклифлари ва ушбу таклифлар билан боғлиқ бошқа барча хужжатлар давлат тилида ёки истисно тариқасида ўзбек тилида ёзилган бўлиши лозим.

1.7. Танловда иштирок этиш учун таклифларни қабул қилиш муддати: Танловда иштирок этиш учун таклифларни қабул қилиш танлов тўғрисидаги берилан эълон тугашига бир кун муддат қолганда тўхтатилади.

1.8. Хизмат бўйича ишларни бажариш муддати: Ижрочи хисоб рақамига Буюртмачи ва Ижрочи ўртасида имзоланган шартнома бахосининг 30% миқдоридаги маблағ олдиндан тўлаб берилган санадан бошлаб 30 кун мобайнида.

1.9. Молиялаштириш манбаси: бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар хисобидан

1.10. Қўшимча мааълумотлар.

Танлов хужжатлари ва танловда иштирок этиш билан боғлиқ бўлган бошқа қўшимча маълумотлар учун танловни ўтказиш хақида берилган эълон муддати тугашига уч кун қолган муддатгача Буюртмачига мурожаат этиш мумкун.

Кўрсатилган хизмат, шу жумладан ушбу хизмат бўйича ишлаб чиқилган барча хужжатлар, Ўзбекистон Республикасининг шу каби хизматлар учун белгиланган қонунчилик хужжатлари талабларига муофиқ бўлиши зарур.

1.11.Кўрсатилан хизмат мазкур хужжатнинг 4-бобида (техник қисмида) белгиланган техник талабларга муофиқ бўлиши зарур.

## 2-боб АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА АТАМАЛАР

Танлов хизмат тури бўлиб (Тошкент вилояти Нурафшон шахарида жойлашган Нурафшон шахар тиббиёт бирлашмасида даволанаётган беморларга иссиқ овқат билан таъминлаш), бунда хизматни кўрсатиш бўйича энг яхши таклиф билдирган иштирокчи ғолиби хисобланади.

Танловни ўтказиш хақидаги махлумот давлат буюртмачис томонидан танловни ўтказиш хақидаги эълон ва танлов хужжатларини махсус ахборот порталига жойлаштириш орқали чегараланмаган миқдордаги кишиларга етказилади.

Давлат буюртмачиси-давлат харидлари амалга оширувчи юридик шахс.

Давлат хариди-давлат буюртмачилари томонидан махсулотларни (ишлар хизматларни) тўлов орқали харид қилиш.

Давлат харидлари субъектлари-давлат буюртмачиси, харид тадбирлари иштирокчиси, давлат харидлари етказиб берувчи; харид комиссияси, махсус ахборот портали оператори ва эксперт:

Харид комиссияси-конкурсни ўтказиш учун буюртмачининг ходимларидан таркиби беш кишидан кам бўлмаган комиссия тузилади. Эълон қилинган хизматни кўрсатиш бўйича энг яхши таклифлар комиссия томонидан иштирокчиларнинг таклифларини бахолаш маъзонлари асосида аниқланади.

Давлат харидлари тўғрисидаги шартнома-техник хизмат кўрсатишнинг тартиби, техник хизмат кўрсатиш бўйича томонларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари ўзгариш ёки тугатилиши хақида Давлат буюртмачиси ва Ижрочиси ўртасидаги келишув тўғрисидаги хужжат.

Махусус ахборот портали-эълнларни электрон шаклда жойлаштириш ва кўриб чиқиш имконияти яратувчи техник хизмат кўрсатишни таъминловчи операторни веп-сайти ва махсус электрон платформаси. Комиссия иши натижасиларига кўра Буюртмачи томонидан комиссия мажлиси баённомаси тузилади, баённомада ўтказилган танлов ва танлов ғолиби ҳақида маълумотлар келтирилади. Шу куннинг ўзидаёқ Буюртмачи ва ғолиб Ижрочи ўртасида бирлашмада даволанаётган беморларга иссиқ овқат таъминлаш шартнома тузилади.

Махсус ахборот портали оператори томонидан танлов ҳақидаги эълон порталда жойлаштирилган кундан бошлаб 10 кун муддатда ушбу эълон бўйича ишлар тўхтатилади.

Махсус ахборот портали оператори-харидларни ташкиллаштириш ва ўтказиш билан боғлиқ тадбирлар ва уларнинг якунлари ҳақидаги маълумотларни махсус аборот порталида эълонлар, талабномалар ва бошқа хужжатларни жойлаштириш орқали давлат харидлари субъектларига хизмат кўрсатувчи махсус ваколатли юридик шахс:

Хрид тадбирлари-давлат харидлари бўйича ишлар (харакатлар) мажмуи:

Эълон-режалаштирилган давлат харидлари тўғрисидаги харидларни амалга ошириш усуллари, харидлар шартлари, харидларга қўйилган талаблар, ушбу харидлар бўйича таклифларни тақдим этиш тартиби ва муддатлари ва бошқа маълумотларни махсус ахборот порталига жойлаштириш.

## 3-боб ТАНЛОВДА ҚАТНАШИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ТАЛАБЛАР

3.1.Танлов иштирокчилари томонидан берилган таклифлар Буюртмачи комиссияси томонидан танлов Иштирокчиси томонидан тўлдирилган Ариза/Кафолат хатининг (1 шакл) асл нусхаси билан мухрланган пакетда қабул қилинади.

3.2.Иштирокчи Танловда қатнашиш учун аризада:

Қайта ташкиллаштириш, ёпилиш ёки банкрот холатида эмаслиги:

Эълон қилинган хизматни кўрсатиш учун зарур техгик, моливий, моддий,ходимлар ва бошқа ресурсларга эгалиги:

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги йўқлиги:

Аввал имзоланган шартномаларда келтирилган мажбуриятларни бажариш бўйича салбий кўрсаткичлари йўқлиги:

Буюртмачи билан суд жараёнида низо холатида эмаслиги ҳақидаги маълумотлар акс эттирилган бўлиши зарур.

3.3.Танловда иштирок этиш учун Иштирокчи Буюртмачига танлов бўйича таклифлар (мухрланган пакетда) билан бирга қуйидаги хужжатларни тақдим этиши зарур:

Тегишли рўйхатга олувчи органлар томонидан берилган Иштирокчини юридик шахс сифатида рўйхатга олиш гувохномаси нусхаси:

Танлов Иштирокчиси тўғрисида, у томонидан кўрсатиладиган хизматларни акс эттирган холда, умумий маълумотлар (2шакл):

Харид килинаётган хизмат бўйича техник спецификация (3шакл):

Кўрсатилган хизмат учун нархлар бўйича таклифлар (4шакл).

3.4.Танловда иштирок этиш учун тақдим этилаётган барча хужжатлар давлат ёки ўзбек тилида ёзилган, танлов Иштирокчисининг ишончли вакили томонидан имзоланган ва танлов Иштирокчиси мухри билан мухрланган бўлиши лозим.

3.5. Эълонда Танловни ўтказиш вақти деб белгиланган вақтда танлов иштирокчисининг вакили мухрланган пакетларни очиш ва таклифларни бахолаш жараёнида қатнашиш хуқуқига эга.

3.6. Хизмат кўрсатиш бўйича танлов қатнашчиларининг таклифлари кўриб чиқиш ва бахолаш тартиби ва меъзонлари 1иловада келтирилган.

## 4-боб ТЕХНИК ҚИСМИ

4.1. Харид қилиш учун талаб қилинаётган хизматлар миқдори рўйхати ва ушбу хизматлар бўйича техник талаблар "Техник спецификация" жадвалида келтирилади (3шакл).

4.2. Хизмат кўрсатиш бўйича танловда таклиф қилинаётган барча талаблар (техник, функционнал ва сифат тавсифлари ва хаказо) Техник топшириқҡа мос келиши зарур.

Хизмат бўйича ишларни бажариш босқичлари:

Иш ўринларининг давлат мехнат мухофазаси меъёрий талабларига мослигига бахо бериш:

Иш ўринларининг гигена талабаларига мослигига бохо бериш:

Иш ўринларининг жарохатланиши хавфлигиниги бахолаш:

Ишчи-ходимларнинг махсус кийим, махсус пойавзал ва бошқа шахсий химоя воситалари билан таъминганликларини бахолаш:

Иш ўринларидаги мехнат шароитларини комплекс бахолаш:

Иш ўринларидаги мехнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказиш натижаларини расмийлаштириш:

Иш ўринларини аттестациядан ўтказиш натижаларини давлат мехнат инспекцияси экспертизасидан ўтказиш:

Барча аниқланган камчиликларни Буюртмачининг талабига асосан беминат тугатилиб бериш:

Ишни тўлиқ хажмда Буюртмачига (унинг ваколатли вакилига) топшириш.

4.3.Хизмат бўйича зарур товар-моддий воситалар, жихозлар, буюмлар рўйхати ва миқдори бажарувчи томонидан белгиланади.

## 5-боб НАРХЛАР ҚИСМИ

5.1. Хизмат учун максимал бахо:

| № | Хизмат турининг номланиши (Аутсорсинг хизмати) | Ўлчов бирлиги хизмат, дона, порция | Умумий сумма, сўм |
|---|---|---|---|
| 1 | Беморларга иссиқ овқат билан таъминлаш | 24000 | 300 000 000 |
| | Жами сумма | | 300 000 000 |

Тўлов шартлари. Кўрсатилган хизмат бўйича тўловлар қуйидагича амалга ошириллади.

Ижрочи билан шартнома имзолангандан сўнг 10 банк куни мобайнида шартномада белгиланган сумманинг 30% миқдорида:

Сумманинг қолган 70% қисми эса Буюртмачи ва ижрочи томонидан хизмат бўйича бажарилган ишлар учун тузилган хисоб-фактуралар ва бажарилган ишларни топшириш-кабул килиш далолатномаси имзолангандан сунг 30 банк куни мобайнида.

**Асосий тижорат талаблари:** Танлов иштрокчиси узининг нарх-наво буйича таклифларини танлов хужжатларида акс эттириши ёки хизмат буйича нархлар жадвалини (4-шакл) тулдириши лозим.

## 7-боб. ШАКЛЛАР НАМУНАЛАРИ

**1-шакл**.

Ариза/кафолат хати танлов иштрокчисининг расмий бланкида ёзилади

**Харид комиссияси раисига**

**Танловда иштрок этиш учун Ариза/кафолат хати**

____________________________фирмаси/компанияси/вакиллари ушбу оркали №________ лот буйича эълон килинган Тошкент вилояти Нурафшон шахрида жойлашган Нурафшон шахар тиббиёт бирлашмасида даволанаётган беморларга иссиы овкат таъминлаш танловида иштрок этиш хохишини билдиради ва куйидагиларни маълум килади:

кайта ташкиллаштириш, ёпилиш ёки банкрот холатида эмас;

эълон килинган хизматни курсатиш учун зарур техник, молиявий, моддий, ходимлар ва бошка ресурсларга эга;

соликлар ва бошка мажбурий туловлардан карздорлиги йук;

аввал имзоланган шартномаларда келтирилган мажбуриятларни бажариш буйича салбий кўрсаткичлари йўк;

Буюртмачи билан суд жараёнида низо холатида эмас.

Ижрочиларни саралаб олиш бўйича танлов хужжатларини ўрганиб чиқкан холда биз, қуйида имзо қуйювчилар, шуни маълум қиламизки, Тошкент вилояти Нурафшон шахрида жойлашган Нурафшон шахар тиббиёт бирлашмасида даволанаёт беморларга иссиқ овқат билан таъминлаш кўрсатиш танловида белгиланган танлов хужжатларига мувофик иштрок этиш ниятидамиз.

Шу муносабати билан ўз таклифларимиз жамланган пакет ва танлов иштрок этиш учун талаб килинган қуйидаги хужжатларни юбормокдамиз:

тегишли рўйхатга олувчи органлар томонидан берилган Иштрокчини юридик шахс сифатида руйхатга олиш гувохномаси нусхаси:

конкурс иштрокчиси тугрисида, у томонидан курсатиладиган хизматлари акс эттирган холда, умумий маълумотлар (2-шакл);

Техник спецификация жадвали (3-шакл);

кўрсатиладиган хизмат учун нархлар бўйича таклифлар (4-шакл);

танлов иштрокчисининг Устав/Низомидан нусха.

Танловда биз ғолиб чиққан тақдиримизда, танлов ғолиби билан тузиладиган шартнома шартларини бажаришни ўз зиммамизга оламиз.

ШТБ бошлиғи ______________ М.М.Пелтабаева

(лавозими) (имзо) (фамилияси, исми, отасининг исми)

М.Ў

2022 йил «_____» ____________

2-шакл

**Танлов иштрокчиси хакида умумий маълумот**

| т/р | **Маълумотларнинг номланиши** | **Маълумотлар мазмуни** |
|---|---|---|
| 1 | Юридик шахснинг ташкилий-хукукий шаклини курсатган холда тулик номи | **Нурафшон шахар тиббиёт бирлашмаси** |
| 2 | Руйхатдан утганлик тугрисида маълумотлар (руйхатдан утган санаси, руйхат раками, руйхатга олган ташкилот номи) | |
| 3 | Фаолиятининг асосий йуналишлари | **Даволаш** |
| 4 | Юридик манзил | **Нурафшон шахар Шифокорлар кўчаси 1 уй** |
| 5 | Хакикий манзил | **Нурафшон шахар Шифокорлар кўчаси 1 уй** |
| 6 | Телефон, факс, e-mail | **99899/939-07-17** |
| 7 | Иштрокчининг Буюртмачи билан алокаси учун тайинланган шахс, унинг фамилияси, исми, отасининг исми ва у билан алока боглаш учун маълумотлар | **Хасанов Шухрат** |
| 8 | Рахбарнинг лавозими, фамилияси, исми, отасининг исми | **Нурафшон ШТБ бошлиғи М.М.Пелтабаева** |
| 9 | СТИР | **207331449** |
| 10 | Банк реквизитлар | **Шхр 100022860274017073101054001**<br><br>**Банк:МБ.ХККМ.Б.Б**<br><br>**МФО 00014** |
| 11 | Компания/фирма кайта ташкиллаштириш, ёпилиш ёки банкрот холатида эмасми? | **Йўқ** |
| 12 | Компания/фирма Буюртмачи/сотиб олувчи/ишчи орган билан суд ёки хужалик низолари холатида эмаси? | **йўқ** |

ШТБ бошлиги ____________ М.М.Пелтабаева

(лавозими) (имзо) (фамилияси, исми, отасининг исми)

М.Ў

2022 йил «_____» ____________

**3-шакл**

## ТЕХНИК СПЕЦИФИКАЦИЯ

| Т/Р | Техник спецификация Баёни | Техниқ топширикка мувофиклиги |
|---|---|---|
| 1 | Беморларга иссиқ овқат билан таъминлаш | |
| 2 | | |
| 3 | | |
| 4 | | |
| 5 | | |

ШТБ бошлиги ____________ М.М.Пелтабаева

(лавозими) (имзо) (фамилияси, исми, отасининг исми)

М.Ў

2022 йил «_____» ____________

**1-Илова**

**Тошкент вилояти Нурафшон шахрида жойлашган Нурафшон шахар тиббиёт бирлашмасида даволанаётган беморларга иссиқ овқат билан таъминлаш (Аутсорсинг хизмати) учун Иштрокчилар томонидан юборилган таклифларни кўриб чиқиш ва бахолаш тартиби ва меъзонлари**

Танлов таклифларини бахолаш тартиби ва меъзонлари.

1 боскич – пакетларни очиш ва Иштрокчиларининг техник қисмини кўриб чиқиш.

Таклифларнинг техник баҳоси.

Иштрокчилар таклифларнинг техник қисми танлов хужжатлари талабларига мувофик кўриб чиқилади (техник спецификацияси) .

| Меъзон | Бахо | Изох |
|---|---|---|
| Техник спецификация талабларига мувофик | Мувофик- 25 балл Кисман мувофик -10 балл Мувофик эмас – 0 балл | |

2-боскич – Иштрокчилар таклифларнинг нархлар кисмини кўриб чикиш.

Таклифларнинг нархлар бўйича бахоси.

Таклифларнинг техник кисмини куриб чикиш якунлангандан сўнг танлов коммисияси томонидан хизмат бўйича иштрокчилар томонидан таклиф қилинаётган нархларни таккослаш йўли билан кўриб чиқилади ва бахоланади.

Нархлар бўйича бахолаш меъзонлари.

| Т/Р | Меъзон | Бахо | Изох |
|---|---|---|---|
| 1 | Бошка таклифлар бир хил бахоланган пайтда таклиф килинган энг кам нарх | Энг кам нарх энг юкори балл | Бунда баллар шкаласи иштрокчилар таклифларнинг микдоридан келиб чикиб шакиллантирилади (баллар шкаласи танлов хужжатлари техник |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | Энг кўп нарх- энг кам балл | кисми талабларига жавоб берадиган таклифлар микдорига мос булади) |
| 2 | Таклифларнинг қўшимча техник, ташкилий ва молиявий устун томонилари, шу жумладан танлов Иштрокчисининг обруси | Танлов комиссияси карори билан белгиланади | Бошка бахолар бир хил булган пайтда ушбу меъзонлар эътиборга олинади. |

қабул қилиш далолатномасини имзолангандан сўнг 20 банк иш куни мобайнида тўлаб берилади.

4-шакл

**32591-сонли лот оркали эълон қилинган танлов бўйича хизмат кўрсатиш учун таклиф қилинаётган**

**НАРХЛАР ЖАДВАЛИ**

| № | **Хизмат турининг номланиши** | **Улчов бирлиги, хизмат, дона** | **Умумий сумма, сум** |
|---|---|---|---|
| 1 | Беморларга иссиқ овқат билан таъминлаш | 24000 | 286800000 |
| | **Жами сумма:** | | **286800000** |

**Танлов иштрокчисининг номи AZ-IS SERVICE МЧЖ**

Таклифнинг умумий нархи 286800000 (Икки юз саксон олти миллион саккиз юз минг сўм

(ракамларда ва езув билан)

ШТБ бошлиғи ____________ М.М.Пелтабаева

(лавозими) (имзо) (фамилияси, исми, отасининг исми)

М.Ў

2022 йил «_____» ____________